

**87. МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ БЎЙИЧА МУХАНДИСИ (I-ТОИФА)  
ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:**

- Филиал директори ва бўлим бошлигининг кўрсатма ва қарорларини бажарилишини ташкил этиш ва ижросини таъминлаш;
- Филиал биноларини таъмирлашда хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаш;
- Филиалда зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни иш шароитларини ўрганиш, давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари билан бепул таъминланиши бўйича бўлим бошлиғига таклифлар киритиш;
- Бахтсиз ходисаларни олдини олиш учун зарур тадбирлар ишлаб чиқиш;
- Филиалга янги ишга кираётган ходимни ўз мутахассислиги бўйича йўриқнома билан таништириш, кириш № 1 журнаliga қайд этиш;
- Филиалда ҳар йили 4 марта (чоракда) меҳнат муҳофазаси ҳолатини, иш жойида юритиладиган махсус журналларни юритилишини таъминлаш;
- Филиал талабаларини амалиёт ишларига жалб қилинганда уларни йўриқномалар билан таништириш, махсус журналга қайд этиш;
- Филиал талабалар ва ходимларини пахта йиғим-терими мавсумида йўриқномалар билан таништириш, махсус журналга қайд этиш;
- Филиал талабалар турар жойлари биноларида яшаётган талабаларни яшаш шароитларини ўрганиб чиқиш, уларга меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида хавфсиз шароитлар яратишни ташкил этиш;
- Иш жараёнида бахтсиз ходисалар юз берган ҳолатда текширувда қатнашиш ва жароҳатланишни олдини олиш;
- Ишчилар учун махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларини эҳтиёжини аниқлаш ва бўлим бошлиғи орқали таъминот бўлимига буюртмалар бериш;
- Филиал Касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда меҳнат муҳофазаси бўйича қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида жамоат назоратини ташкил этиш.
  - Бўлим бошлигининг қонуний топшириқларини бажариш;
  - Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

**Билиши керак:**

Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини билиши.

**Малака талаблари:**

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш хусусиятларига;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

**Классификатор бўйича:**

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг паст даражаси	ЎМҚТМТЙ КМ ва ОҲМҚ бўйича коди
995.	муҳандис	2149	М	Олий маълумот	5310000